



2020 yil "27" avgust

№ 643-к

Jomboy tuman

Жомбой туманидаги Галакапа кўчаси
"Жомбой дехкон бозори" худуди атрофидан
2 қаватли замонавий савдо ва маиший хизмат
биноси қуриш учун фуқаро Ахмедова Лолага
30,91 кв.м ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қарорига асосан, Жомбой туман Галакапа кўчасида жойлашган "Жомбой дехкон бозори" худудида 2-қаватли замонавий савдо мажмуаси қурилиши муносабати билан фуқаро Ахмедова Лолага тегишли 26,25 кв.м ер майдонидаги савдо дўкони бузилишга тушганлиги сабабли, етказилган зарарни қоплаш учун қўшимча 4,66 кв.м ер майдони бириктирилган ҳолда Галакапа кўчаси "Жомбой дехкон бозори" худуди атрофида жойлашган туман захирасида бўлган ер майдонида Ахмедова Лолага 2-қаватли савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун 30,91 кв.м ер майдон ажратиш ва танлаш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиясининг далолатномасини ва тўпланган тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16-ноябрдаги 911-сонли қарорига асосан, фуқаро Ахмедова Лоланинг аризасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг 2020 йил 14 августдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2.Жомбой тумани Галакапа кўчаси "Жомбой дехкон бозори" худуди атрофидан 2 қаватли замонавий савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун фуқаро Ахмедова Лолага 30,91 кв.м ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3.Фуқаро Ахмедова Лолага 2-қаватли савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун замонавий архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш меъёрларига мос равишда лойиха ҳужжатларини тайёрлатиш ва тегишли ҳужжатларни архитектура бўлимидан рўйхатдан ўтказдириш вазифаси юклатилсин.

4.Туман бош архитектори И.Рашидовга савдо ва маиший хизмат биносини тасдиқланган лойиха ҳужжатларига асосан қурилиши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

5.Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Жомбой туман филиали бошлиғи Ш.Раҳимовга 30,91 кв.м. ер майдонини жойида натурада ўлчаб бериш вазифаси юклатилсин.

6.Ушбу қарор ижросини назорат қилиш учун туман ҳокимининг ўринбосари Х.Ҳамраев зиммасига юклатилсин.

